


МММК фани 5-лекция.


МАВЗУ:

**МЕҲНАТ ЖАРАЁНИ
ШАРОИТИНИ
ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР.
ХАВФЛИ ВА ЗАРАРЛИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ.**



Режа:


1. Меҳнат жараёни шароитининг аҳамияти.
2. Меҳнат жараёни шароитини шакллантирувчи омиллар.
3. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари.



- Ҳозирги замон сув ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши замонавий техника билан жиҳозланганлиги, яъни унинг техника ва технологиянинг такомиллашиб туриши, ишлаб чиқариш жараёнининг интенсивлашуви билан фарқ қилади. Бунда ишларнинг даврийлиги ва мавсумийлиги, фойдаланилаётган энергиянинг турлилиги (механик, иссиқлик, электр, ёруғлик ва бошқалар), материал ва моддалар (қаттиқ, суюқ, газсимон)нинг ҳар хиллиги, бажарилаётган ишларнинг об-ҳаво ва бошқа сабабларга боғлиқлигини, меҳнат шароитларини меъёрлаштиришда ҳисобга олиш керак.


МЕҲНАТ ШАРОИТИ

— меҳнат жараёнида инсон саломатлиги ва ишлаш қобилиятига таъсир қилувчи ишлаб чиқариш муҳити омилларининг мажмуидир.




Меҳнат шароитини яхшилаш асоси

- Ишлаб чиқаришда меҳнат шароитларини яхшилаш, яъни меҳнат шароитини меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасига келтириш, ишлари меҳнат шароитини шакллантирувчи барча омилларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.



Ишлаб чиқаришда меҳнат шароитини шакллантирувчи барча омилларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- ташкилий,
- техник,
- санитар-гигиеник,
- эргономик,
- руҳий-физиологик,
- ижтимоий-маиший,
- табиий-иқлимий
- иқтисодий.



Ташкилий омиллар:

- – корхонада қабул қилинган иш ва дам олиш тартиби, ишнинг ташкил этилиш шакли ва ўрнатилган интизом, ишчиларнинг шахсий ҳимояланиш воситалари, махсус кийимлар ва бошқа муҳофазаланиш воситалари билан таъминланганлиги, меҳнат хавфсизлиги талабларига амал қилиниши устидан қилинадиган назорат тизимининг ташкил этилганлик ҳолати, меҳнат муҳофазаси хизматининг ташкил этилганлиги, ишчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси ва уларнинг меҳнат хавфсизлиги қоидаларига ўқитилиши ва бошқалардир.

Техник омиллар:

- — ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси, машина ва механизмларнинг, асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг техника хавфсизлиги талабларига жавоб беришлик ҳолати, машина ва механизмларни бошқаришда электрон ҳисоблаш машиналарининг қўлланилиши, ҳимоялаш воситаларининг созлиги ва етарлилиги, хавфли зоналарнинг ишончли тўсилганлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Санитар-гигиеник омиллар:

- – иш жойларидаги микроиклим кўрсаткичларининг, ёритилганликнинг, титраш ва шовқин даражасининг, ҳаво тозалигининг, турли нурланиш(иссиқлик, ионлаштирувчи, лазер, ультрабинафша)ларнинг ва бошқаларнинг санитар-гигиеник меъёрлар талабига жавоб бериш-бермаслиги киради.

Эргономик омиллар:


- – машина ва механизмларнинг, ускуна ва жиҳозлар кўрсаткичларининг инсоннинг антропометрик, руҳий-физиологик ва бошқа кўрсаткичларига мос келиши. Бунга техниканинг кинематик ва динамик кўрсаткичларига тегишли, ишчи органлардан келаётган маълумотнинг ҳажми, маълумотларни ақс эттириш воситаларининг сони ва қулай жойлашганлиги, иш жойларини ташкил этиш даражаси, бошқариш органларининг қулай жойлашганлиги, бошқарувчи (оператор) ўриндиғининг конструкцияси ва бошқалар киреди.

Ижтимоий-маиший омиллар:

- – ишлаб чиқариш маданияти, иш жойларида тозалик ва тартиб, корхона ҳудудининг кўкаламзорлаштирилганлиги, маиший хоналар тури, сони ва ҳолати, ошхона, тиббиёт пункти, поликлиника, боғчаларнинг мавжудлиги, йўлларнинг ҳолати, ишловчилар турар жой комплексларининг қулайлиги ва бошқалар киради.


Руҳий-физиологик омиллар:

- – меҳнатнинг оғирлиги ва жадаллиги, монотонлиги, жамоадаги руҳий ҳолат, ишчиларнинг бир-бири ва иш берувчи билан билан ўзаро муносабатлари, ўз ишидан қониқиш ҳосил бўлмаслиги, ишда касбий ва мансаб томонидан ўсиш истиқболининг йўқлиги ва бошқалар киради.

- 
- **Табиий-иқлимий омиллар** – корхона жойлашган ҳудуднинг географик ўрни ва метеорологик кўрсаткичлари (денгиз сатҳига нисбатан баландлиги, рельефи, ёғингарчиликнинг турлари ва жадаллиги, ҳаво ҳарорати ва намлиги, ҳавонинг ионланиши, атмосфера босими ва бошқалар).
 - **Иқтисодий омиллар** – меҳнатга ҳақ тўлаш ва ишчи меҳнатини рағбатлантириш даражаси, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағнинг бошқа мақсадларга сарфланиши, меҳнат муҳофазасига доир чора-тадбирларга кам жой ва маблағ ажратилганлиги.

Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини давлат стандарти бўйича гуруҳлаш

- ГОСТ 12.0.003-78 га асосан хавфли ва зарарли омиллар ўз таъсирига қараб қуйидагиларга бўлинади:
 - ФИЗИК,
 - КИМЁВИЙ,
 - БИОЛОГИК,
 - ПСИХОФИЗИОЛОГИК.




Ишлаб чиқаришдаги хавфли ва зарарли физик омилларга қуйидагилар киради:

- ҳаракатдаги машина ва механизмлар, ускуна ва жиҳозлар; машина ва механизмларнинг ҳаракатланаётган, айланаётган ёки силжиётган қисмлари; механизмлар билан кўтарилаётган юклар; ҳавонинг газланганлик ва чангланганлик ҳолати; ҳавонинг юқори ёки паст ҳарорати, намлиги, ҳаракати, ионлашганлиги; иш жойининг ортиқча ёки кам даражада ёритилганлиги, ёруғлик оқими пульсацияси ва порлоқлиги, табиий ёритилганликнинг йўқлиги ёки камлиги; жисмлардаги, материаллардаги паст ёки юқори температура; юқори даражадаги шовқин ва титраш, ультратовуш ва инфратовуш тебранишлари; юқори кучланишли электр токи, жисмларнинг статик электрланиш; электрмагнит, ионлаштирувчи ва лазер нурланишлари; юқори ёки паст даражадаги атмосфера босими.


Ишлаб чиқаришдаги хавфли ва зарарли **кимёвий омиллар** инсон организмига таъсир қилиш хусусияти бўйича қуйидагича гуруҳланади:

- умумий заҳарловчилар, яъни организмда умумий заҳарланиш ҳолатини келтириб чиқарувчилар; сенсibiliрик, яъни организмда маълум бир моддага нисбатан сезгирликни кескин ошириб юборувчилар; концероген, яъни организмда аста-секин тўпланиб борувчи ва кейин ўта хавфли ўсимталар ва бошқа касалликларни келтириб чиқарувчилар; мутаген, яъни организмнинг генетик аппаратида бузилишлар ва ўзгаришлар келтириб чиқарувчилар.


- 
- Хавфли ва зарарли кимёвий омиллар инсон организмига кириб бориш йўли бўйича қуйидагича гуруҳланади: нафас олиш органлари бўйича; ошқозон –ичак тракти орқали; тери ва шиллиқ пардалар орқали.
 - Ишлаб чиқаришдаги хавфли ва зарарли кимёвий омилларга турли заҳарли моддалар, пестицидлар, гербицидлар, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, фойдаланиладиган турли газларнинг таъсири киради.

- Ишлаб чиқаришдаги хавфли ва зарарли **биологик омилларга** турли макро- ва микроорганизмлардан – ҳайвонлар, юқумли касалликлар вируслари, бактериялар, риккетлар, замбуруғлар ва улар ажратадиган маҳсулотлар, шунингдек заҳарли ўсимликлар киради.
- **Руҳий-физиологик омилларга** жисмоний, асабий - руҳий зўриқишлар киради. Жисмоний зўриқишлар динамик, статик ва гиподинамик ҳолатда бўлиши мумкин. Асабий-руҳий зўриқишлар эса кучли ақлий меҳнатдан, меҳнатнинг доим бир хил ҳолат ва кўринишда (монотон) бўлишлигидан келиб чиқади. Меҳнатнинг бир хиллигидан зерикиш, организмда карахтлик, бепарволик, эътиборсизлик, тормозланиш ва бошқа шу каби салбий оқибатлар юзага келади.

Топшириқ: Меҳнат шароитини шакллантирувчи омилларни кластер ёрдамида кенгайтиринг



Назорат саволлари

1. Меҳнат шароитларини шакллантирувчи ташкилий омиллар нималардан иборат?
 2. Техник омиллар нималардан иборат?
 3. Санитар – гигиеник омиллар нималардан иборат?
 4. Эргономик омиллар нималардан иборат?
 5. Ижтимоий – маиший омиллар нималардан иборат?
 6. Психофизиологик омиллар нималардан иборат?
 7. Табиий-иқлимий омиллар нималардан иборат?
 8. Иқтисодий омиллар нималардан иборат?
 9. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари қанақа гуруҳланади.
- 

Эътиборингиз учун раҳмат!

